

Истиқлол байрами кўнгуз бўлсин!

Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen



Хабар

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 31 avgust №36-37 (469-470)

Sotuvda narxi erkin

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Республикамиз Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра алоқа ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Тошкент электротехника алоқа институти "Телевидение ва радиодиффузия" кафедраси доценти **Шокир Зондович ТОЖИБОВ** "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти Бухоро шаҳар филиалининг етакчи муҳандиси **Илҳис Исмаилович АБДУЛЛАЕВ** ва "Ўзбекистон маркаси" акциядорлик жамияти директори **Мухаррам Кенжабоевна НОСИРОВА**лар "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими" фахрий унвонлари, "Хоразм Телеком" акциядорлик жамияти бош директори **Маҳмуджон СОБИРОВ** "Эл-юрт хурмати" ордени, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Санаят, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг раиси **Изидор Андреевич КОЧМАРИК** "Меҳнат шuhrати" ордени, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти марказий филиалининг етакчи электрон муҳандиси **Зулфияра Темуровна ВАЛОВА**, "Самарқанд Телеком" шўба корхонаси Са-

марқанд бирлашган шаҳар ва шаҳарларaro телефон-телеграф станцияси бошлиғи **Гера Федорович ЛИ**, "Жиззах почтаси" акциядорлик жамияти Фаллаорол филиалининг хат ташувчиси **Нина Ивановна МИР-ХАЛИЛОВА**, "Фарғона Телеком" акциядорлик жамияти Фарғона шаҳар филиали катта электромеханиги **Фирюза Маҳмудовна ФАХРУТДИНОВА**, "Қорақалпоқ Телеком" акциядорлик жамияти Нукус шаҳар филиали механиги **Умирбек Пазилбекович ШЛИМБЕТОВ** ва "Хоразм Телеком" акциядорлик жамияти Янгиерик филиали алоқачиси **Галина ҚАЛАНДАРОВА**лар "Дўстлик" ордени, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти Мирзо Улуғбек филиали электромеханиги **Тойир Орипович АЛИМОВ**, "Навий почтаси" акциядорлик жамияти Хатирчи туманидаги Янгирабод филиалининг оператори **Рисолат ОМОНОВА**, "Жиззах Телеком" шўба корхонаси Зомин филиали бўлимининг катта алоқачиси **Муҳаллас ОТАБОВЕВА**, "Навий Телеком" акциядорлик жамияти Томди филиалининг алоқачиси **Минигуль Тоғоевна ДАНИЛБЕКОВА**, "Самарқанд почтаси" акциядорлик жамияти Боғишамол филиали 54-алоқа бўлими бошлиғи **Каромат ЗУХУРОВА**, "Андижон Телеком" акциядорлик жамияти Қорасув шаҳар филиали

алоқачиси **Махиратхон Аҳмаджонова ИСАКОВА**, "Андижон Телеком" акциядорлик жамияти Андижон шаҳар бўлимининг алоқачиси **Нурдона Одилевна ИСА-МЕТДИНОВА**, "Навий Телеком" акциядорлик жамияти Учқудуқ филиали алоқачиси **Татьяна Григорьевна МАХИНОВА**, "Тошкент Телеком" акциядорлик жамияти Оққўрғон филиалининг бош алоқачиси **Мақсад Ҳикматуллаевна МИРЗАЕВА**, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси "Тошкент шаҳар матбуот тарқатиш уюшмаси" акциядорлик жамиятининг сотувчиси **Мавжуда Абдуллаевна МИРСОДИҚОВА**, "Қашқадарё Телеком" шўба корхонаси Қарши филиали катта алоқачиси **Малика Тўраевна МУСАЕВА**, "Қорақалпоқ Телеком" акциядорлик жамияти Қонлиқўл филиали алоқачиси **Заруҳан Алимбетовна САЕКЕЕВА**, "Самарқанд Телеком" шўба корхонаси Каттакўрғон филиали электромеханиги **Эргаш Норович ШОКИРОВ** ва "Қорақалпоқ почтаси" акциядорлик жамияти Мўйноқ филиалининг Шағирлик бўлими бошлиғи **Оралхон Қарлибаева Қурбаниязовалар** "Шуҳрат" медали билан мукофотланишди. Мукофотлар муборак, азиз ҳамюртлар!



Тошкентдаги қатагон қурбонларини ёд этиш майдони.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон қахрамони, халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ ЧИНАКАМ

Ўзбекистон байроғи кўтарилди чинакам, Ушбу кунни, айтинг-чи, қай биримиз кутмадик. Зарур бўлган чоғда гоҳ, дор тағида туриб ҳам, Қайбиримиз тарихнинг синовидан ўтмадик.

Донғил сафарга чиқди энди ҳур Ўзбекистон, Кимгадир оёқ ости, кимга у осмон бўлди. Шукурким, ўз-ўзини таниди кекса жаҳон, Яъни ўзбек давлати, жумлаи жаҳон бўлди.

Не-не камситувларни кўрган шу бошим билан, Она халқим, қошингда тизза букиб турибман. Ўзбекча гапирганда, бир чўқим ошим билан, Садакаи бахтинг деб, борим тўкиб турибман.

Гарчи доим унгандир гулчечаклар боғимда, Темуру ва Алишерни эслаймиз такрор-такрор. Мен-ку узоқ яшарман, лекин кетар чоғимда, Тепамда эгилажак ўз туғим-байроғим бор.

Насиб этмиш бу кунлар, таралсин янграқ унлар, Дўстлар билан ёнма-ён қутлайлик бу айёмни. Илоё, бошимизга келмасин қоро кунлар, Ўзбегим деб кўтаринг, дўстларим, олтин жомни!

ҲАМКАСБЛАР ҚУВОНЧИ

Ўн йил тарих учун катта муҳлат эмас. Мустақил Республика-мизда ана шу давр мобайнида улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлди, овоз ва обод мамлакатимизнинг қудрати, нуфузи ҳар жиҳатдан юксалди. Ватандошларимизнинг онгу шуури, дунёқараши ҳам, шоир тазбири билан айтганда, "аввалгиларга ўхшамас".

Ўтган даврда почта ва телекоммуникация корхоналари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кўрсатилган хизматлар ҳамжи ва сифатини ошириш борасида замона талаби даражасидаги ишлар амалга оширилди. Ривожланган давлатларнинг алоқа хизмати технологияси ва тажрибаси республикамизда кенг қўлланылмоқда.

2001 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилиди, сифатли хизмат кўрсатилиши эвазига фойда ва даромадлар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига эришилди. Фахрур билан айта

оламизки, республикамизнинг захирага алоқачилари шонли мустақиллик байрамини ёруғ юз билан, муносиб кутиб олмақдалар. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ҳайъати номидан ва шахсан ўз номидан барча алоқа ходимларини энг азиз ва муқаддас байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги билан чин юракдан самимий табриклайман. Айни чоғда байрам арафасида мамлакатимиз Президентини томонидан юксак мукофотларга сазовор бўлган ҳамкасбларимизни ҳам қизгин қутлайман. Ҳаммангизга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайман, почта ва телекоммуникация соҳасини ривожлантиришдаги ишларингизда амаллар ҳаммаша ҳамроҳ бўлсин. Байрамингиз муборак, азиз алоқачилар!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон почта ва телеком-
муникациялар агентлиги
Бош директори

ПОЧТА МАРКАЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон маркаси" акционерлик жамияти корхонаси 133 турдаги янги почта маркаларини нашрдан чиқарганди. Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида ушбу маркаларга бағишланган тақдирот тадбири ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди. Унда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А.Орипов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Тақдирот маросими йилгиланларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

1. Мустақиллик байрами-ни нишонламоқдамиз. Ай-тинчи, мана шу қимматли ўн йил ичида олдингизга қўйган мақсадларга эришдингизми?

2. Мустақиллик йиллари Ватанимиз равақи учун амалга оширилаётган ишларда ўз ҳиссангизни қандай тасаввур қиласиз?

Мансур АЛИЕВ, Самарқанд шаҳар ва шаҳарлараро телефон-телеграф станцияси техник директори.

1. Чиндан ҳам тарихан қисқа фурсат давомида мустақил юрти-мизда шундай оламшумул юмушлар адо этилдики, Президентимиз таъбири билан айтганда, "жаҳондаги кўплаб мамлакатлар учун ушбу ўзгаришларга эришишларида асрлар керак бўлганда". Шу ўн йил ичида Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий йўналишларда мустақам оёққа турди, жаҳон харитасида ўз ўрнига, сиёсий майдонда ўз овозига эга бўлди.

Бу йиллар ичида юз берган воқеаларни эса аҳамиятли ёки аҳамиятсиз деб ажратиб бўлмайди, назаримда. Чунки ҳар битта иш халқимиз фаровонлиги йўлида, унинг бахтини кўзлаб амалга оширилди. Эзгулик йўлидаги уринишларнинг эса катта-кичиги бўлмайди.

Ўзгаришларнинг санаб адо-ғига етолмайсан киши. Асакада ишга туширилган автомобил заводи Ўзбекистонни жаҳондаги автомо-бильсозлик билан донг таратган са-ноқли давлатлар қаторига олиб чиққан бўлса, Самарқанддаги

"СамКочавто" қўшма корхонаси бу нуфузни янада мустақамлади. Шу билан бир қаторда шахримиз фу-қароларига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш мақсадида лицензия асо-сида туртта қўшма корхона иш

моамиз ҳам халқимиз оғирини ен-гил қилиш, унга сифатли алоқа хиз-мати кўрсатиш учун тинмай изла-нишдан ва меҳнатдан чарчамайди. Бу соҳадаги буюк ўзгаришларда эса шу жамоамиз қатори озгина бўлса-

нефть маҳсулотларини экспорт қил-моқда. Олтинни қайта ишловчи За-рафшон- Ньомон, Фарғонадаги яқинда ишга тушган Кобул "Ўзтек-стил К.ЛТД" қўшма корхонаси Ўзбекистон иқтисодини ривожлан-

йилиги олди билан бизга катта туҳ-фа бўлди. Эндиги вазифа — бун-дан кейин ҳам республикамиз ра-вақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишдир.

Оддлжон КАРИМОВ "Наман-ган почтаси" АЖнинг Норин фи-лиали, Норинка алоқа бўлими бошлиғи.

1. "Мустақиллик нима берди?" деган саволни ўртага ташловчи кишиларга учраб қоласан киши. Ана шундай пайтда "Мустақиллик ўзбек халқига эркинлик берди. Қўринмас кишилар парчаланди", дегим келади. Хуллас, ҳозир мус-тақиллик нима берганини ёш бола ҳам ўз кўзи билан кўриб турибди. Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўзи-нинг мустақил Ватани, унинг гул-лаб яшаш учун курашмоқда.

2. Мустақиллик — масъулият демакдир. Чунки бутунги озода ва фаровон ҳаётни ота-боболаримиз орзу қилиб, шу кунларга етиш учун курашганлар. Демак, мустақилликни мустақамлаш учун ҳисса қўлишни ҳар биримиз муқаддас бурчимиз деб билишимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз ўз-ўзи-мизга "Мен бутун Ватанимга, хал-қимизга нима берайман, мустақил-ликни мустақамлашга қандай ҳисса қўшайман?" деб савол бериб қўри-шишим зарур. Ва ана шу саволга муносиб жавоб бера олиш учун яра-тувчанлик, бунёдкорлик иши бил-лан банд бўлмоқдир даркор.

З. ХУДОЁРОВА,
А. ХОТАМОВ,
Б. БОЛТАБОВлар
ёзиб олишди

МУСТАҚИЛЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

олиб бораётганлиги ҳам қувончли ҳолдир. Барпо этилаётган янгидан-янги бинолар, ўқув масканлари, йўллар, қўшма корхоналарни бир-ма-бир қайд этиш осонмас. Аммо булар ҳали фақатгина иқтисодий-тимиздаги ўзгаришлар. Маданият ва маънавий соҳаларидаги ютуқ-лар ҳам бундан асло кам эмас. Ном-лари узоқ йиллар тарих қатида қолди келган буюк боболаримиз — Амир Темур, Жалолиддин Мангу-берди, Имом ал-Бухорий, ал-Мариноний каби кўплаб буюклар қайта тирилди гўё. Уларнинг ме-рослари авлодларига бус-бутун ет-казилмоқда. Аждодларимиз ётган зиёратгоҳлар таъмирланиб, муқад-дас қадимжоларга айлантирилди. Шуларнинг ўзидек инсон қалбида қониқиб ва замонага шукроналик туйғулари уйғотилди.

2. Назаримда, дунёда Ватандан азизроқ, музабарроқ нарсанинг ўзи йўқ. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ана шу муқаддас туйғунга юракдан ҳис этиб яшаса ва меҳнат қилса, шунинг ўзи мустақиллик-ни мустақамлаш йўлидаги энг кат-та савий-ҳаракатдир. Бизнинг жа-

да менинг ҳам улушим борлиги кўнглимни тоғдек кўтарди. Демак-ки, юртимиз равақи учун, қола-верса, унинг мустақиллигини яна-да мустақамлаш учун хизмат қилиш бахтига муюссарман.

Омонгелди ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи.

1. Мустақиллигимизнинг ўтган ўн йиллигида мамлакатимиз иқти-содида улкан ўзгаришлар бўлди. Илгари чет мамлакатларда бизни фарқлаётган Россиянинг бир қисми деб ҳисоблашган. Ўзбекистоннинг қар-да жойлашгани, бу ерда ўзбек халқи мавжуд эканлигини кўпчи-лик билмасди ҳам. Мана бутун Ўзбекистон Республикаси мана-ман деган мамлакатлар қаторида шахдам қадамлар билан олдинга юрмоқда. Ўз энгил автомашинамизни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қанча-дан-қанча қўшма корхоналар Ўз-бекистон иқтисодиётини ривожланти-ришга ҳисса қўшмоқда. Собиқ со-ветлар даврида нефть маҳсулотлари ташқаридан олиб келинган бўлса, ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўз

тиришда катта ҳисса қўшмоқда.

2. Ўзбекистонни ривожланти-ришда ҳар бир фуқаро биринчи навбатда ишлаётган жойида сидқи-дишдан, меҳр билан фаолият кўрсати-ши ва ўзига юклатилган вазифа-сини аъло даражада бажариши ке-рак.

Назорат қилувчи орган сифати-да биринчи навбатда почта ва теле-коммуникациялар соҳасидаги ҳўжа-лик юритувчи субъектларда ишла-тилаётган телекоммуникация жиҳоз-ларининг давлат ва тармоқ стан-дардларига мослиги, сифат кўрсат-кичларининг талаб даражасида бўли-ши учун курашамиз. Умуман, кей-инги йилларда Ўзбекистонда теле-коммуникацияни ривожлантириш жадал суратлар билан олиб бори-ляптики, бу назорат органларига янада каттароқ масъулият юклайди. Шу боис ҳам Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳ-барияти томонидан бизларга қўлай шароитлар яратиб берилди. Вилоят Давлат алоқа инспекциялари ҳам энгил автомашина ва компьютер-лар билан таъминланди. Бу айни пайтда Мустақиллигимизнинг ўн

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва теле-коммуникациялар агентлиги-нинг навбатдаги ҳайъат йи-гилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлик Бош директори А. ОРИПОВ олиб борди.

"Ўзбекистон почта ва теле-коммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ўртасидаги битимнинг 2001 йил, биринчи ярим йил-ликда бажарилиши тўғрисида" Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов маъруза қилди. Маърузачи мазкур битимга асосан қатор ишлар амалга оширилгани, жулмдан тармоқда бир юз қирк битта жамоа шартномаси ва акционерлик компаниялари билан учта битим имзоланган-ни, барча корхона, ташкилот-ларда жамоа шартномасининг

биринчи ярим йиллик натижа-лари ҳисоботи кўриб чиқилган-ини таъкидлади.

"Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 1999 йил, 6 июндаги "Ўзбекистон Республикаси телекоммуника-циялар тармоғини ривожланти-риш учун Япония халқаро иқти-содий ҳамкорлик жамғармаси имтиёзли кредитини ўзлашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорининг бажарилиши ҳақида" "Ўзимпёксалоқа" ак-циядорлик жамияти директори И. Исроиллов маълумот берди. У Япония кредити бўйича Ўзе-бекистон телекоммуникация тар-моғини ривожлантириш II бос-қичи лойиҳасининг бажарили-шини назорат қилиш мақсади-да 1999 йил, 14 декабрда Япо-ния Халқаро Ҳамкорлик Банки ва Агентлик ўртасида Баёно́т (Меморандум) имзолангани ва

бу лойиҳа асосида олиб бо-рилган ҳамда келгусида амал-га оширилажақ юмушлар ху-сусида тўхталди.

Марказий Осиё телекомму-никациялар ўқув маркази ди-ректори С.Сиддиқов ушбу дар-гоҳ фаолияти хусусида гапир-ди. Маърузачи бу ўқув марка-зида амалга оширилган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар-га эътиборини жам қилди. Йи-гилишда ўқув маркази тўла-қонли иш олиб бормаётганли-ги, ишни жонлантириш зарур-лиги қайд этиб ўтилди.

Мажлисда мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш-ни ташкил этиш бўлими иш фаолияти ҳам кўриб чиқилди.

Ҳайъатда қўрилган масала-лар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И. ОМОНОВ

АЖОЙИБ ТУҲФА

Андижон вилоятидаги "Ҳаёт" нашриёти Республи-камиз Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб "Анди-жонда алоқа воситалари" номли китобни босмадан чиқарди.

Вилоятда алоқа тизими-нинг ривожланиш тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи маз-кур китоб Жўраҳон Мама-жонов ва Абдумажид Қоди-ровлар ҳаммуаллифлигида chop этилди. Ушбу нашр алоқа соҳасига қизиқувчи барча китобхонлар учун му-носиб туҳфа бўлди.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНАИ

Ўзбекистон Республикаси Муста-қиллигининг ўн йиллиги ҳамда "Она-лар ва болалар йили"га бағишлаб Бухоро радиотелевизион узатиш маркази маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан соҳа хо-димлари ўртасида спартакиада ўтказилди. Спартакиада иштирокчилари спортнинг волейбол, шахмат-шашка, кураш турлари бўйича ўзаро беллаш-дилар.

Қўзғалғули беклар давомида голиб спортчилар аниқланди. Волейбол бўйича ўтказилган якуний мусоба-баларда Бухоро радиотелевизион узатиш маркази терма жамоасининг қўли ба-ланд кетди. Улар умумжамоа ҳисоби-да фахрли биринчи ўринни эгаллаш-ди. Иккинчи ўрин эса Вобкенг тумани радиоэшиттиришларни узатиш станцияси вакилларига nasib элди. Бухоро шаҳар радиотелевизион стан-цияси волейболчилари унвони ўрин билан қўйилганлиги.

Бухоро радиотелевизион узатиш

марказининг иқтисодиски Раҳим Эшо-нов шахмат баҳслари якунига кўра фахрли биринчи ўринни кўлга ки-ригди. Вобкенг тумани радиоэшитти-ришларни узатиш станциясининг катта электромеҳаниги Истам Файзиёв эса иккинчи ўринни эгаллади.

Вобкенглик шашкачилардан Асад Қаюмов, алоқа монёри Нажим Тев-лар ҳам фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни олишди. Бухоро радиоте-левизион узатиш маркази вакиллари кураш мусобақаларига гўлжа тайёрлар-ли кўрганликларини намойиш эти-дилар. Марказнинг автотранспорт гу-руҳи ҳайловчиси Зайни Бозоров ку-раш мусобақаларининг голиби бўлди. Марказ касаба уюшма қўмитасининг раиси Тўхтамаш Ашуров эса иккин-чи ўринни олди.

Мусобақа голиблари пул мукофот-лари билан тақдирландилар.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

МУНОСИБ

ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Республикамиз Мустақиллигининг ўн йиллиги муно-сабати билан алоқа соҳасидаги кўп йиллик ҳалол ва сама-рали меҳнатлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муно-сиб тақдирландилар.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра, "Навоий Телеком" АЖ шаҳар телефон тармоқлари станцияси электромонте-ри Соби́тжон Ғайбуллаевич ДАВЛАТОВ, "Тошкент теле-граф- телефон станцияси" АЖ етакчи электроник муҳан-диси Владимир Владимирович ГРАХОВ, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" АЖ 4- филиалининг цех бошлиғи Вла-димир Каримович БУТАЕВ, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори ўринбосари Тамара Тожиёвна БАЖАНО-ВА, "Қашқадарё почтаси" АЖ директори Умид Мама-тович ВОҲИДОВ, "Матбуот тарқатувчи" АЖ бош директо-ри Рустан Саидович ҚОСИМОВ, Радиоалоқа, радиоэшит-тириш ва телевидение корхонаси бошлиғи муовини Ка-рим Раҳимович УСМОНОВ, Тошкент электротехника алоқа институти телекоммуникация тармоқлари ва ком-мутация тизимлари кафедраси мудири Владимир Мунхо-вич СОНЛАРГА "Моҳир алоқачи" фахрий унвони берилди.

Шунингдек, бир гуруҳ алоқачилар агентлигининг "Фах-рий ёрлиғи" ва "Ўз касбининг устаси" нишони билан тақдирланишди.

ҚўШАЛОҚ БАЙРАМ

Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида "Тошкент Теле-ком" акциядорлик жамияти тар-қибига Келес филиалида DTS-1100 русумли рақамли АТС ишга туши-рилди. Шу муносабат билан ёзилган байрам дастружонид алоқачилар, ту-ман ҳокимлигидан вакиллар жам бўлишди. Ҳозир бўлганларни Тош-кент туман ҳокими Бахтёр Алимов қизғин табриклаб, алоқа уйи бино-сини таъмирлашда жонбозлик кўрсатган "Асолатхон" маъсулияти

А. ИБРОҲИМОВ

"Ўзбектелеком Интернейшнл АЖ" қўшма корхонаси жамоаси



*Сизларни халқимизнинг қиз бэйрамини -
Мустақилликнинг мунаввар ёр йиллиги айёми билан тинч
қалбдан муборакбод этади.*

**Истиқлолимиз боқий, юртимиз обод,
дастурхонимиз тўкин, Ватанимиз
сарҳадлари тинч ва барқарор бўлсин.**

Барчангизга муқаддас ватанимиз шон-шукратини яна
зиёда қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатингизда муваффақият
лар, оилавий тотувлик, мустаҳкам соғлиқ ва ҳаёт
яхши кайфият ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз.

*Озодлик ва ҳурлик бэйрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!*

"Хоразм Телеком"

акциядорлик жамияти жамоаси



Қўп миллатли Ўзбекистон халқини ва
республикамиз алоқачиларини
Мустақиллигимизнинг ўн йиллик қутлуғ ва
муборак айёми билан сизқидилдан
қутлайди.

Гўзал Ватанимиз равнақи,
халқимизнинг фаровонлиги йўлида
амалга ошираётган эзгу ишларингизда
улкан зафарлар тилаймиз.

*Саховатли Ўзбекистон замини гуллаб - яшнайверсин! Унинг заҳматкаш
халқига бахт-саодат ёр бўлсин.*

*Юртимизда озодлик қуёши порлайверсин. Бэйрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз ватандошлар.*



"Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти жамоаси

Азиз Ватандошларимизни,
барча алоқачиларни энг қизғина
— озодлик кўнигини ён йиллиги
муносабати билан сатиний му-
боракбод этади!

Ушбу қўнғиз кўнлар эркин
кўнчилларга ҳушқайфиди,
тинчлик-тойувлик, хонадонингиз-
га қайғу барака олиб кирсин!

Мустақил Ўзбекистонимиз-
нинг буюк келажакни бунёд
этиш йўлидаги сатй-ҳаракатла-
рингизда сизларга онад ҳамша
ёр бўлишини тилаймиз!

Юртимизда тинчлик, ба-
рқарорлик абадий бўлсин!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАТИ

Республикаимиз аҳолисини, барча алоқачиларни
истиқлолимизнинг ўн йиллик байрами
билан муборакбод этади.

Мустақиллик туфайли юртимиз чиройига-
чирой, кўркига-кўрк қўшилмоқда.

Буларнинг барчаси тўғри йўлга қўйилган
ислохотларимиз самарасидир.

Ўзбекистонимизда ҳамша тинчлик,
осойишталик бўлишини, халқимиз бахтиёр ва
фаровон турмуш кечиршини тилаймиз.

Байрамингиз

муборак бўлсин!

"ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Собитқадамлик билан буюк
келажак пойдевори қураётган
Ватандошларимизни, шу жумладан
алоқачиларни энг суюқ ва энг
буюк байрамимиз —

Мустақилликнинг ўн йиллиги
билан муборакбод этади!

Мустақиллик бизни ҳурфикр
қилди, озода ва обода юртада яшаш
ҳуқуқини берди. Ўз тақдиримизни
ўзимиз белгилашдек бахтга
муяссар этди. Илоҳим,
Ўзбекистонимизнинг истиқлол
қуёши мангу порлайверсин.

Юртимиз тинч-обода, элимиз доимо
соғ-омон бўлсин.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "АЛОҚАБАНК" ЖАМОАСИ

Ҳамюртларимизни
Республикаимизнинг
энг қутлуғ ва энг улуғ
байрами — Истиқлол
қуёши порлаганининг
ўн йиллиги билан чин
қалбдан табриклайди.
Хонадонларингизга
бахт-саодат, дастур-
хонларингизга қут-ба-
рака тилайди.

Ушбу байрам руҳи
барчамизга янгидан-
янги куч-райрат бахш
этаверсин!

"ФАРФОНА ТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни истиқлол ва ҳурлик шодиёналарининг ўн йиллиги билан муборакбод этади.

Ҳуррият туфайли мамлакатимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Бу узоқни кўзлаб амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар самарасидир! Мустақиллик шарофати ила соҳамиз тобора ривожланиб бормоқда. Биз халқимизга хизмат қилаётганимиздан бахтиёрмиз!

Ўзбекистонимизда ҳамиша тинчлик, осойишталик бўлишини, халқимиз бахтиёр ва фаровон турмуш кечиришини тилаймиз.

UZMAKOM

6581

**«ЎЗМАКОМ»
КЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚИЗГИН
КУТЛАЙДИ!**

СИЗЛАРГА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК,
ХОНАДОНИНГИЗГА КУТ-БАРАКА, ЮРТ
ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДАГИ МЕҲНАТИНГИЗДА
МУВАФФАҚИЯТЛАР
ТИЛАЙМИЗ.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шохқўчаси, 8.
Телефонлар: (998 71) 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15.
Факс: (998 71) 100-98-98, 120-63-78.

©yct

"Андижон Телеком" акциядорлик жамияти жамоаси

*Сиз азиз ҳамюртларни қутлуғ
байрам республикамиз
мустақилликка эришганлигининг
ўн йиллиги муносабати билан
самимий табриклайди.*

Барчангизга боқий умр,
тинчлик, омонлик, бахт-саодат
ҳамроҳ бўлсин. Қутлуғ
хонадонингиздан файзу баракот
ва рўшнолик аримасин. Кечмиши
буюк мамлакатнинг буюк
келажаги йўлида ёниб яшашингиз
ва ишлашингизда омадлар ёр
бўлсин!

**Улуғ айёмингиз муборак,
қадрли Ватандошлар!**

"ҚОРАҚАЛПОҚ ПОЧТАСИ" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Сизларни қутлуғ байрам
республикамиз мустақиллиги-
нинг ўн йиллиги муносабати
билан самимий табриклайди.*

*Азиз юртдошлар! Эзгу ни-
ятлар билан Ватанимиз фа-
ровонлиги ва порлоқ келажа-
ги учун қилаётган ишларимиз-
да барчамизга омад ёр
бўлсин!*

Юртимизнинг ҳар бир
гўшасида тинчлик, мўл-
кўлчилик, осойишталик
бўлишини яратгандан
сўраб қоламиз.


"Наманган Телерадио" акциядорлиги

Жамияти Жамоаси

Ўзбекистон халқини улуг айём — Истиқлолнинг ўн йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз. Мамлакатимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда омадлар ёр бўлсин. Мустақиллик, хуррият кунларимиз абадий бўлсин!

Серқуёш Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча миллат ва элат вакиллариغا тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт ва улкан зафарлар тилаймиз.



**Бахт ва омад барчангизга ҳамроҳ бўлсин.
Беғубор осмонимизда
Мустақиллик қуёши доимо порлайверсин!**

"Қашқадарё почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси

Ватандошларимизни барча алоқачиларни истиқлолнинг ўн йиллик байрами билан муборакбод этади!

Мана шу тарихан қисқа фурсат истада мамлакатимиз шонли йўлини босиб ўтди. Биз ҳам барча юртдошларимиз каби келажакни буюк давлатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётганимиздан татқулимиз.

70 рўй равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги қўлқор ишларимиз бароридан келсин. Байрамингиз қўтлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

"СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни улуг айём — Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан самимий қутлайди.

Озод Ватанимиз шу йиллар мобайлида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўзбекиш дунё таниди. Сизларни Истиқлол байрами билан қўтлар эканмиз, ҳатташизга оилавий бахт, юртимизга тинчлик-тотувлик тилаймиз.

Севинч ва шодлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

"ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Сизларни улуг айём — Мустақилликнинг ўн йиллиги билан самимий қутлайди.

Ушбу қувончли ва нурафшон кунларда жамики юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, чексиз қувонч, бахту иқбол тилаймиз!

Озодлик қуёши мангу нур сочаверсин. Байрамингиз қўтлуғ бўлсин, азизлар!



Маънавий баркамоллик, маънавий комил инсон деганда мен аввало ўз туғилган уйига, киндик қони тўкилган, ота-боболарнинг марқадлари жойлашган, ўзи яшаб турган табиаруқ тулрокқа бўлган эътиқодни, муҳаббатни, садоқатни тушунаман. Кишида ҳар қанча моддий бойлик бўлмасин, ҳар қанча дунё йиғмасин, агар Ватани йўқ экан, асло-асло бахтли бўлмайди. Сўзимни икки буюк ватандошимизнинг тақдири ҳақидаги тарих билан мустаҳкамламоқчиман.

Бобур Мирзо Ҳиндистонда буюк салтанат тузган, тенги йўқ саркарда, подшоҳ эканлигини яхши биламиз. Лекин шул зот юртидан келтирилган бир тилим қовун устида кўзидан ёш тўккан. Бир умр "Оқар сувнинг фироқидан кўзимдан ҳар дам оқар сув" деб фйон чеккан. Шулчалар улкан тож-тахт эгаси бўлса ҳам "Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ёраб нетайин, не юз қаролиғ бўлди" деб надоматли сатрлар битан. Даври қазоси келганида эса жисмини Қобулга элтиб кўмишни васият қилган. Ватанимга ҳарна яқинроқ бўлай деган.

Дилбар лирик шоиримиз Зокиржон Фурқат ҳам бир умр Ватан ҳақрини чекиб яшайди. Шоир Айди: "Эй бечора қизинг не учун тарки Ватан?"

Мен дедим: "Гурбатда Фурқат бор экан тақдирда" каби сатрларни изтироб билан битганки, биз ҳам уни бефарқ қўй олмаймиз.

1995 йили институтимизга бир хорижлик ўзбек киши келди. Институтимиз ходимлари билан

суҳбат курди. Англашилдики, у қўлэмалар билан ниҳоятда қизиқар, ҳар бир сатрни қадрлар, ота-онаси ҳам зиёни, импараст бўлишган экан. Меҳмонимиз дедикки, молдунёим бисёр. Лекин дилимиз Ўзбекистонда. Нетайлики Ватандан жудо бўлганмиз.

Балки бу нафъ ўзинга кўпроқ дурур. Халқнинг муҳаббатини қозонишдан ортиқ бахтиёрлик йўқ. Сен агар халқингни севсанг, халқинг ҳам сени севади.

Атоқли шоиримиз Фафур Гулом:

Азизхон ҚАЮМОВ

БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН МЕРОС

Биздаги қўлэмаларни кўриб, унинг қанчалар эҳтиётланаётгани, ўрганилаётганидан огоҳ бўлиб, ниҳоятда мамнуният изҳор этди. "Тарихининг, ўзлигининг қадрига етдирилган шундай авлодлар бор экан, Ватанимиз ҳаминша қудратли, мустаҳкам бўлиб боқий туради" деди.

Демак, кишилик жаҳиятининг энг улуг мезони Ватан, ватанпарварлик экан! Ватанни севиш туйғусидан маҳрум бўлган кимса — у нималарга эришмасин — қуруқ жисмидир. Ватан туйғуси билан бахтиёр бўлмаган кимса бахт нималигини ҳам билмай ўтади.

Устозим, ажойиб фазалнавис, Ўзбекистон халқ шоири Чархй домла ёзди:

Кўзимга ҳур Ватаним гарди тўғйи кўринар,
Анинг муҳаббати ҳар бир кўнгилга жо кўринар.

Бундай самимий сатрларни юртини севган фидойи қалбгина бита олади!

Маънавиятнинг яна бир юксак белгиси — халққа муҳаббатдир. Халқини севган киши асло кам бўлмайди. Ҳазрат Навоий ёзди:

Нафислар агар халққа беишак дурур,

ни халқимиз жуда яхши кўрарди. "Менинг халқимга бўлган муҳаббатим, халқимнинг менга бўлган муҳаббати бўлиб қайтди", деган эди бир кун улуг шоиримиз. У киши юртдошларимизнинг ҳар бир ютуғидан фахрланарди.

1946 йил эди. Шарқ факультетига Динора деган қиз ўқирди. Айни пайтда консерваторияда ҳам тахсил оларди. Вена шаҳрида халқроқ мусика фестивали бўлиб, унда Динора ҳам иштирок этди. Бир неча мусиқалар ижро қилди. Бир ўзбек қизининг Ўзбекистон номидан шундай катта анжуманда иштирок этганидан тўлқинланган Фафур Гулом бир шёрида ёзган эди:

Муслика бешиги, Штраус ватани
Оҳанглар бозори қадим Венада,
Динора ялратди ўзбекининг қалбини —
Рубобий ҳиссини пианинода.

Кўриниб турибдики, "Халқнинг ташвиши — менинг ташвишим, халқнинг қувончи — менинг қувончим" деб яшаган одамгина баркамоллик касб этади. Бундай ҳислар бизни кўролмасликдан, адоватдан, ҳасаддан асровчи буюк қудратдир. Ўз халқини севган киши ҳеч қачон бошқа халқларни камситмайди. Барча халқни севиш, ардоқлаш инсон

номини улуғлашдир. Қуръони Каримни ўқинг, инсон ҳақида сўзлайди. Машҳур шоирларимизни ўқинг — инсон номини улуғлайди.

Аҳиллик, бирлик тўғрисида сўзлаш қанчалар ёқимли. Юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси бўлган инсонгина оламга ёруғ нигоҳ билан боқайди. Қалбимизда шундай олижаноб туйғулар бор бўлсин, барқарор бўлсин дегим келади.

Ҳа, Ватанга бўлган муҳаббат, ватанпарварлик қалбимиздаги буюк эътиқодимиздир. Ана шу муҳаббат комил инсонга хосдир.

Ҳазрат Алишер Навоий лутф қилади:

Тўрт унсур, етти қўқ, олти жаҳол,
Нодиру олий асоси қонинот.
Барчасида ашрафи инсон эрур,
Чун қамолдин хирад ҳайрон эрур.

Демакки, ота-боболаримиздан бизга қолган мерос буюк маънавият — Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, ўз халқини улуғлаш деб эътироф этаман.

Мен ушбу гапларни тўқиб чиқармадим. Институтимиз хазинасида бўлган аҳи дониш аждошларимиз Жомий ва Навоий, Бобур ва Фурқатнинг, ўзга алломаларнинг битикларида, назмларида Ватан муҳаббати барқ уриб турибди.

Улуг байрамимиз — мустақилликнинг ўн йиллиги нишонланаётган ушбу қутлуг дамларда буюк бобокалонларимизнинг юқорида қайд этилган бебаҳо мероси, ўлмас қадриятлари ва ибратли умрлари янада муҳим аҳамият касб этади. Шундоқ улкан бойлик эгаси бўлган авлодларимиз ҳам уларга муносиб воқис бўладилар деб ишонаман.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИКАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарибмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2739.
4805 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ,
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Элга қўшулгон эш топти.

А. НАВОЙЙ

Ватандан ташқарида
бахт йўқ, ҳар ким жона-
жон ерида илдиз отсин.

И. ТУРГЕНЕВ

Энг мақбул фазилат
ватанга ва одамзотга
кўрсатилган хизматда.

Ж. ДЕЛИЛЬ

Ҳар кимнинг қалбида
ўз халқининг жажжи
қиёфаси яшайди.

Г. ФРЕЙТАГ

Бегона юрт ватан бўла
олмайди.

И. ГЁТЕ

Ким ўз юртини севмаса,
у ҳеч нимани сева олмайди.

Ж. БАЙРОН

Кимда ўз юртига
бўлмаса меҳр,

У қалбан шикаста, у
қалбан мажруҳ.

Т. ШЕВЧЕНКО

Ўз ватанига доғ тушириш
— уни сотиш деган сўз.

В. ПЮГО

Бизни она янглиг оқ
ювиб, оқ тараган ватан-
ни севмоқ, бу муқаддас
бурчдир.

М. ШОЛОХОВ



Шу кунларга етказганига шукур.

ОЙНАГА КЎП ҚАРАШ ЗАРАРЛИ ЭКАН

• Бу қизик!

Нью-Йоркнинг "Лайн Вейв Сайенс" институти олимлари қизик бир муаммо — оддий кўзгаларнинг инсон нуқулита қандай таъсир этиши ҳақида излаш олиб боришмоқда. Улар ўта сезувчан магнит тўлқинли детектор ёрдамида кўзгаларнинг инсондаги энергияни "сўриб олиш"ини исботлашди. Энергияни тортиб оладиган тўлқин бирланиши сезилмас экан. У инсон кўзгута назар таштаганидан уч дақиқадан кейин пайло бўлар экан.

Қўлчилик одамлар бардам ва тўзал кўриниш ниятида ҳаётидаги масъулиятли, тантанали тадбирлар арафасида кўзга қаршиқисида соялиб ўтирашга мажбур. Лекин ҳаммаси аксинча рўй беради: танасида заифлик кучайиб, қамиди ярим кун мобайнида фикрлаш қобилияти сусайиб кетади! Бундан ташқари, америкалик олимлар ким кўп ойнага қараса, шунча тез қаришни ҳам исботлашди.

ҚОРОВУЛЛАР ЭНГ КЎП КАСАЛ БЎЛАРМИШ

Яқинда япон тадқиқотчиларининг ҳайратомуз ҳулосаси эълон қилинди. Унда қиратанда, ҳаммадан кам касал бўладиган соҳа ходимлари — шифокорлар, дорихоначилар, талбиркорлар ва солиқ нозирлари экан. Аҳлининг энг "бемор" қисми эса маиллий хизмат, почта ва телеграф ходимларига тўғри келади. Қоровуллар эса биринчи рақамли "бестоб"лар эмил.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андижон Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма қўмитаси жамоалари корхона электралоқа бўлими муҳандиси Раиса ҲАМРОКУЛОВАНИ 60 ёшга, Хўжабод бўлими директори Маъмуржон АС-ТАНАЕВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан қизгин табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, ишларида муваффақиятлар ва оилавий бахт тилайди.